



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2020 йил – ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2020 йил 13 март, № 54 (7556)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ХОРАЗМДА ЯНГИ ИСЛОҲОТЛАР ЯНГИЧА РУҲДА АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳудудлар ривожига, аҳоли ҳаёти билан яқиндан танишиш мақсадида 12 март куни Хоразм вилоятига келди.



Давлатимиз раҳбари дастлаб “Ҳазорасп” эркин иқтисодий зонаси ҳудудида жойлашган бўялган трикотаж мато ва текстиль маҳсулотлари ишлаб чиқариладиган “Develop Textile” масъулияти чекланган жамияти шаклидаги хорижий корхона фаолияти билан танишди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 январдаги “Ургут”, “Ғиж-дубон”, “Қўқон” ва “Ҳазорасп” эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони ҳамда 2017 йил 7 августдаги “Эркин иқтисодий зоналар самарали фаолият кўрсатиши учун вазирликлар, идоралар ва жойлардаги давлат ҳокимияти органларини мувофиқлаштиришни кучайтириш ва уларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида Хоразм вилоятида ҳам кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Президентимиз 2017 йил 14-15 октябрь кунлари Хоразм вилоятига ташрифи давомида “Ҳазорасп” эркин иқтисодий зонаси фаолиятини янада ривожлантириш лойиҳалари тақдимоти билан танишиб, ҳудуд иқтисодиётига тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш бўйича аниқ топшириқлар берган эди. Айни кунда ушбу йўналиш-

да кенг қамровли амалий ишлар жадал олиб борилмоқда.

“Ҳазорасп” эркин иқтисодий зонаси учун Ҳазорасп туманининг 2 та ҳудудидан 325 гектар бўш ер майдони ажратиб берилган эди. Қурилиш ва инфратузилма тармоқлари барпо этиш харажатларини камайтириш мақсадида ЭИЗ корхоналарини биринчи навбатда бўш турган бино ва иншоотлар негизда жойлаштириш бўйича тақлифлар ўрганилиб, яна 7 та ҳудуддан 89 гектар майдон эркин иқтисодий зона ҳудудига қўшиб берилди. Натижада “Ҳазорасп” эркин иқтисодий зонаси ҳудуди Богот, Хива, Урганч туманларидан ажратилган майдонлар ҳисобига кенг, гайиб, жами 414 гектарга етди.

Бугунги кунда “Ҳазорасп” ЭИЗда умумий қиймати 306,3 миллион долларлик 19 лойиҳа бўйича иш олиб борилмоқда. Ўтган давр мобайнида ўндан ортқ лойиҳалар тўлиқ ишга туширилди ва сендвич панеллар, ювish воситалари, автомобиль радиаторлари, қурилиш материаллари, тайёр трикотаж маҳсулотлари, қуёш батареялари, стерилланган бир марталик тиббиёт қўлқоплари ва пойабзал ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Шунингдек, қиймати 19,5 миллион долларга тенг 5 та лойиҳа

жорий йилнинг биринчи ярмида ишга туширилади ва яна 500 дан ортқ кишилар доимий иш ўрнига эга бўлади. Тиббиёт тест таёқчалари, маиший техникалар учун электр двигателлар, жомадонлар ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилади. Шу билан бирга, эркин иқтисодий зонада 9 та истиқболли лойиҳани амалга ошириш бўйича ишлар бошлаб юборилган. Мазкур лойиҳалар амалга оширилиши ҳисобига 1500 га яқин янги иш ўринлари яратилади.

Эркин иқтисодий зона ҳудудида алоҳида божхона режими, солиқ имтиёзларининг амал қилиши ҳудуднинг инвестициявий жозибадорлигини ошириб, тўғридан-тўғри сармояларни жалб қилишда муҳим омил бўлмоқда.

“Develop Textile” МЧЖ шаклидаги хорижий корхона эркин иқтисодий зона ҳудудидаги истиқболли лойиҳалардан бири. Бугунги кунда лойиҳани амалга ошириш билан боғлиқ қурилиш ишлари якунланган. Кенг, ёруғ цехлар, омборхона ва бошқа қўшимча хоналар барпо этилган. Ишчиларнинг унумли меҳнат қилиши ва дам олиши учун зарур қулайликлар яратилган. Хориждан келтирилган замонавий тиквучилик дастгоҳлари ўрнатилган.

Йирик лойиҳани ишга тушириш учун 13,14 миллион доллар маблағ сарфланган. Унинг 4,16 миллион доллари тўғридан-тўғри хорижий инвестиция, 8,98 миллион доллари тижорат банкининг кредит маблағидир.

Давлатимиз раҳбари мазкур корхонада бўлиб, мутахассислар ва тиквучилар билан суҳбатлашди. Ишлаб чиқариш жараёни ва тайёр маҳсулотлар намуналарини кўздан кечирди. Президентимиз бу каби замонавий корхоналарни кўпайтириш орқали пахта хом ашёсини қайта ишлашни йўлга қўйиш, эндиликда фақат тайёр маҳсулот экспорт қилиш зарурлигини қайд этди.

Лойиҳа ишга туширилиши билан 800 га яқин иш ўринлари яратилади. Корхона йилига 4 минг тонна ҳар хил турдаги бўялган чоксиз тайёр трикотаж мато, 14 миллион донна трикотаж-тикув маҳсулотлари ишлаб чиқариб, 12 миллион долларлик маҳсулотни Германия, Франция ва Европанинг бошқа давлатларига экспорт қилишни режалаштирган.

“Ҳазорасп” ЭИЗ кенг имкониятлар майдони бўлиб, ҳудудда ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятидан самарали фойдаланиш, янги иш ўринлари ташкил этиш, пировардида аҳоли-

ни барқарор даромад манбаи билан таъминлашга хизмат қилади. Бу эса миллий иқтисодиётимиз тараққиёти, юртимиз раванги, халқимиз фаровонлигини таъминлашга муносиб ҳисса бўлиб қўшилади.

Шу ерда Хоразм вилоятида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари, ташкил этиладиган ишлаб чиқариш ҳудудларининг жойлашуви, инфратузилмани ривожлантириш, автомобиль йўлларини қайта қуриш ва реконструкция қилиш, ичимлик суви таъминоти тизимини яхшилаш, камбағалликни камайтириш ва бошқа лойиҳалар ҳақида ҳам маълумот берилди.

Давлатимиз раҳбари кўп йиллик лойиҳалар тузишдан воз кечиб, қисқа муддатли, самарали, бир йиллик лойиҳаларни кўпайтириш лозимлигини таъкидлади.

Шавкат Мирзиёев Янгиариқ туманидаги “Global Food Impeks” масъулияти чекланган жамияти томонидан ташкил этилган замонавий иссиқхона-ни кўздан кечирди.

“Global Food Impeks” МЧЖга 23 гектар ер ажратилган. Ҳозирги кунда тумандаги 10 гектарлик ва Нукус шаҳридаги 3 гектарлик иссиқхонада помидор ва бодринг етиштирилмоқда. Янгиариқда қурилаётган 10 гектарлик иссиқхона эса жорий йил сентябрь ойига қадар ишга тушириш режалаштирилган. Бу ерда қулупнай, гул ва кўчатлар етиштирилади.

Президентимиз ташриф буюрган иссиқхонада йилига 3 минг тоннадан зиёд бодринг ва 2 минг тонна помидор етиштирилади. Помидорнинг Нидерландиядан келтирилган нави экилган. Бу нав “Юсупов” навиға ўхшаб кетади. Гектарига 400 — 450 тоннагача ҳосил беради. Узилганидан кейин 25 — 28 кун яхши сақланади, сархиллик хусусиятини йўқотмайди.

Помидор Россияга экспорт қилинмоқда. Жорий йил январь-февраль ойларида 480 минг долларлик помидор шу мамлакат бозорига етказиб берилди. Экспорт жараёни қулайлаштирилган. Божхона, санитария ва бошқа экспортга рухсат берувчи ташкилотлар ходимлари иссиқхонанинг ўзига келиб ҳужжатларни расмийлаштириб беради. Махсулот Янгиариқдан Москвагача юк машиналарида 2,5-3 кунда етказиб берилади. Куни кеча илк бор Санкт-Петербургга 10 тонна помидор юборилди.

Ҳосил гидропоника усулида етиштирилади, яъни ҳар бир кўчат кокос дарахти пўстлогига бўлган махсус ўрамга экилади. Томчилатиб сугорилган, ўсим-ликка минерал ўғит ҳам сув орқали берилади.

Кокос ўрами Шри-Ланкадан, ўғитлар эса Нидерландиядан келтирилади. Бунга тадбиркорларимиз кўп маблағ сарфлай-

ди. “Global Food Impeks” МЧЖ раҳбари Алишер Маткаримовнинг айтишича, ҳосил учун энг кўп ишлатиладиган ва жуда зарур кальций нитрат ўғитининг 23-24 тоннаси юкланган катта юк машинаси Янгиариқдаги иссиқхонага кириб келиши учун 25 минг доллар маблағ керак бўлади. Бизда ишлаб чиқарилса, бу кўрсаткич тахминан 9-10 минг долларга айланиши мумкин.

Тадбиркор кокос дарахти пўстлогига озқаси ўрнини босувчи табиий манбаи ўзимизда ишлаб чиқариш ҳаракатида. Бу борада Урганч давлат университети олимлари билан ҳамкорликда илмий ишлар бошланган. Шу мақсадда университет учун лаборатория ҳам қурилади.

Ҳозирча иссиқхонани туркиялик агрономлар бошқармоқда. Улар ёнида Урганч давлат университети ўсимликшунослик факультети 4-босқич талабалари иш ўрганаётир. Талабалар синов муддати билан ишга олинган. Ҳозирча уларга ойига 2 миллион сўмдан маош тўланмоқда. Иккинчи йилдан иқтидорига қараб 10 миллион сўм ойлик олиши ваъда қилинган. Ишни мустақил юрига олиш даражасига етгач, ёш агрономларга 40 миллион сўмгача ойлик тўланади. Чунки бугунги кунда иссиқхона саноатида агроном асосий куч ҳисобланади.

Иссиқхонада 260 иш ўрни яратилган бўлиб, уларнинг 200 нафари хотин-қизлардир. Ишчилар меҳнатига яраша 1 миллион сўмдан 4,5 миллион сўмгача ойлик олади. Шунингдек, яхши ишлаганларга кўнлик, ҳафталик пул мукофотлари берилади. Асосий жараён компьютерда бошқарилади. Ишчилар фақат ҳосилни териш ва қадоқлаш билан шуғулланади.

— **Кишлоқ ҳўжалигида илм, янгича дунёқараш пайдо бўлди. Мана, ишнинг кўзини билса, катта даромад олиш мумкинлигига мисол. Хоразмнинг ери шўр. Шундай жойларда замонавий иссиқхоналарни кўпайтириш, 100 — 200 гектарга етказиш керак. Ҳам одамларга иш жойи, ҳам экспорт бўлади, — деди давлатимиз раҳбари.**

Иссиқхона деталларини маҳаллийлаштириш, бозор талабидан келиб чиқиб, қайта ишлашни йўлга қўйиш бўйича топшириқлар берилди.

Шу ерда вилоятда мева-сабзавотчилик, томорқачилик, чорвачилик, баллиқчиликни ривожлантиришга оид лойиҳалар тақдироти ўтказилди.

Президент Янгиариқ тумани-

даги “Хоразм пилла холдинг” корхонаси фаолияти билан танишди.

Бир йил аввал корхона ўрнида 70 йиллар олдин қурилган эски пиллахона бўлган. Шу атрофда яшаётган хотин-қизларни эса ишсизлик масаласи қийнаб келарди. Президентимиз ташаббуси билан мамлакатда кластер усулида пилла етиштириш тизими йўлга қўйила бошлагани янгиариқлик хотин-қизлар ҳаётида ҳам янги саҳифа бошлаб берди.

Эски пиллахона ўрнида замонавий жиҳозланган, кластер усулида ишлайдиган “Хоразм пилла холдинг” масъулияти чекланган жамияти фаолият бошлади. Корхонада лойиҳалар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Биринчи босқичда пиллани қайта ишлайдиган 2 та линия ишга туширилади. Бунинг учун тадбиркор 1,3 миллион доллар маблағ сарфлади. Корхонада пилладан хом ипак, ипак момиги ишлаб чиқарилади, 50 донна замонавий дастгоҳда ипак гилам тўқилади. 2 сменада 200 доимий, 1800 мавсумий ишчи, асосан, хотин-қизлар меҳнат қилмоқда. Корхона жорий йилда 1 миллион 159 минг долларлик маҳсулотни экспорт қилишни режалаштирган. Лойиҳа учун сарфланган маблағ 5 йилда қопланиши кутилмоқда.

Хоразмда пиллани қайта ишлаш бўйича илғор тажрибалар оммалашмоқда. 2019 йилда вилоятда “Хоразм ипаги”, “Khiva silk fabric”, “Urganch silworn pro” ва “Хоразм пилла холдинг” каби пиллани қайта ишлаш корхоналари иш бошлади.

Жорий йилда вилоятда пиллачилик соҳасида 1649 доимий ва 4 марта пилла етиштириш мавсуми ҳисобига 55 минг 585 мавсумий иш ўрни яратилиш мақсад қилинган.

“Хоразм пилла холдинг” корхонаси жорий йил охирига қадар “Afghan Bazar Garpets” хорижий корхонаси (Германия) билан ҳамкорликда ипак, жун ва пахта толаси аралашмасидан кўлда гилам тўқиш цехи очилиш режалаштирган. Бу яна 200 хотин-қизни иш билан таъминлаш имконини беради. Лойиҳа тутзорлар ташкил қилишдан бошлаб тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришгача бўлган жараёни қамраб олади. Махсулотлар Европа ва АҚШ бозорларига экспорт қилинади.

Президентимиз хотин-қизлар учун муносиб иш ўрни яратиш омили бўлган бу каби кластер усулидаги корхоналарни ҳар бир туманда ташкил қилиш зарурлигини таъкидлади.



Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати сурати.



Озарбайжон журналининг махсус сони Ўзбекистонга бағишланди

Туркий тилли давлатлар орасида Ўзбекистон ва Озарбайжон муносабатлари алоҳида ўрин тутди. Кейинги йилларда мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ришталари янги сифат босқичига кўтарилди.

Пойтахтимиздаги “Hyatt Regency” меҳмонхонасида Озарбайжоннинг халқаро миқёсда нашр этиладиган “Tarixi Şəxsiyyətlər” (“Тарихий шахслар”) журнали томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Йил одами” деб эътироф этилиши муносабати билан мазкур нашрнинг Ўзбекистонга бағишланган чоп этилган махсус сони тақдиротида ҳам ана шу жиҳатлар алоҳида тилга олинди.

Тадбирда вазирлик ва идоралар вакиллари, Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган хорижий мамлакатлар элчилари, халқаро ташкилотлар раҳбарлари, кенг жамоатчиликлари қатнашди.

“Тарихий шахслар” халқаро ижтимоий-сиёсий журнали озар ва рус тилларида нашр қилинади. Унинг 2019 йил сўнггидаги сони Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаётига бағишланди. Албатта, журнал томонидан “Йил одами”ни эълон қилишнинг ўзига хос мезонлари бор. Таҳрир хайъати аъзолари бунинг учун нафақат Озарбайжонда, балки МДХнинг турли мамлакатларидаги таниқли сиёсатчилар, давлат арбоблари ва жамоатчиликлари ўртасида сўров ўтказди. Фикр-мулоҳазалар йиғилиб, ўрганилади, таҳлил қилинади. Шундан сўнг якуний қарор чиқарилади.

Эътироф

Эътиборлиси, ана шу жараёнлар натижасида тарихий ананаларни тиклаш йўлидаги сермахсус фаолияти, Ўзбекистон Республикасининг сиёсий ва иқтисодий нуфузини жаҳон миқёсида оширишдаги мислсиз сазй-ҳаракатлари, шунингдек, Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги дўстона алоқаларни ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссаси учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2019 йилда “Йил одами” дея эътироф этилди.

Журналнинг ушбу сонини тайёрлашда Озарбайжоннинг Ўзбекистон Республикасидаги элчихонаси ва элчихона хузуридаги Ҳайдар Алиев

номидаги Озарбайжон маданият маркази катта ҳисса қўшди.

Анжуманда Озарбайжон Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавкуллода ва мухтор элчиси Гусейн Гулиев ҳамда бошқа юқори мартабали кишилар сўзга чиқди.

— Ўзбекистон Президентининг “Йил одами” деб эълон қилиниши унинг ислохотчи сифатидаги сазй-ҳаракатлари ва улкан сиёсий иродасининг эътирофидир, — дейди Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирлиги Абдулазиз Комилов. — Шу сабабли мамлакатимиз қисқа вақт ичида ижтимоий-иқтисодий ривожланишда ҳамда очик ва самарали ташқи сиёсатни олиб боришда улкан ютуқларга эришди. Юртимизнинг қўллаб-даватлар билан алоқалари стратегик даражага кўтарилди, улар орасида Озарбайжон Республикасининг алоҳида ўрни бор.

— Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг журналимиз томонидан

“Йил одами” деб эътироф этилиши ва журналимизнинг мазкур сонини юртингиз ижтимоий-сиёсий ҳаётига бағишлаганимиз барчамиз учун фахрdir, — дейди “Тарихий шахслар” журнали Бош муҳаррири Халил Карахмедов. — Кейинги йилларда Ўзбекистонда амалга оширилаётган янгиланишларни катта қизиқиш билан кузатиб бораёмиш. Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар изчил ривожланипти. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Озарбайжонга ташрифи, мамлакатининг Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашига аъзо бўлиши ўзаро алоқаларимизда янги саҳифа очди.

Тақдирот доирасида Президент Шавкат Мирзиёев “Йил одами”, дея қайд этилган диплом Ўзбекистон томонига тантанали тарзда топширилди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчилари Х. Султонов, А. Абдувоҳидов ва Р. Қосимов иштирок этди.

«Халқ сўзи».

ХОРАЗМДА ЯНГИ ИСЛОҲОТЛАР ЯНГИЧА РУҲДА АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА



— **Хом ашё етиштиришдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришгача бўлган жараён ҳар бир туманда йўлга қўйилиши керак. Бу жараёнга, асосан, тадбиркорларни жалб этиш яхши самара беради. Ўзбек ипак маҳсулотлариغا бозор бор экан, бу каби кластерларни кўпайтирамиз, — деди давлатимиз раҳбари.**

Президентимиз Хива шаҳридаги “Ичан қалъа” мажмуасига ташриф буюриб, Амир Тўра мадрасасида амалга оширилган реставрация ишлари билан танишди.

Маълумки, Хива жаҳон миқёсида тарихий шахарлар дурдоналаридан ҳисобланади. Очиқ осмон остидаги музей, дея эътироф этиладиган бу қадимий қалъа 1990 йили юртимизда биринчи бўлиб ЮНЕСКОнинг Жаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган.

“Ичан қалъа”да халқимизнинг ноёб меъморлик анъаналари, ажодларимизнинг турмуш тарзи, хунармандлиги, санъати ва маданияти ўз ҳолича сақланиб қолган. Мажмуадаги 58 та тарихий-маданий мерос объектидан 17 тасида турли музейлар жойлашган.

Мажмуадаги тарихий обидаларни асл ҳолича сақлаш мақсадида реставрация ва консервация ишлари олиб борилмоқда. Музей-қўриқхонанинг шимолӣ қисмида, аҳоли истиқомат қиладиган ҳудудда жойлашган Амир Тўра мадрасаси жорий йилда Хитой Халқ Республикасининг 9,5 миллион долларлик грант маблағи ҳисобидан қайта тикланди. Натижада ушбу иншоот “Ичан қалъа”даги туристик объектлардан бирига айланди.

Мадраса 1872 йили барпо этилган. Чор Россиясининг Хоразмга ҳужуми туфайли обида қурилиши охирига етказилмай тўхтаб қолган. Мадрасанинг олд фасади Хива меъморлигига хос тарзда икки қаватли қилиб қурилган. Бу ерда 54 та хужра бўлиб, ички саҳн кошин билан қопланган. Шунингдек, 2 та гўмбазли хона, қишки ва ёзги масжидлар, дарсхона бўлган.

Давлатимиз раҳбари “Ичан қалъа”да халқимизнинг бебаҳо маданий мероси мужассам эканини, Амир Тўра мадрасаси каби ноёб обидалар ажодларимизнинг тарихий ўзига хослигини сақлаш ва келажак авлодларга асл ҳолича етказиш

зишда муҳим аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлади.

— **Тарихий биноларни сақлаш ҳамма даврларда энг катта муаммо бўлиб келган. Хива Ўзбекистонда тарихий обидаларни таъмирловчи реставраторлар мактаби бўлган. Бугун ана шу мактабни қайта тиклаш вақти келди, — деди Президент. — Амир Тўра мадрасаси реставраторларни ўқитадиган мактаб бўлади. Бу ерда усталарга Самарқанд, Фарғона, Қўқон реставрация мактаблари анъаналари ўқитилади. Сайёҳлар кундузи реставраторлар ишини кўрса, кечки пайт бу ерда тарихий сәнхалар, хон қабуллари намойиш этилади. Шундай қилсак, бу обидаларда ҳаёт кайнайди.**

Туризм мамлакатимизда стратегик соҳалардан биридир. Хоразм вилоятида ҳам бу борада улкан салоҳият мавжуд. Ундан оқилона фойдаланиш мақсадида 2020-2021 йилларда вилоятда туризмини ривожлантириш дастури ишлаб чиқилган.

Мазкур дастурда Хоразмнинг туризм салоҳиятини ривожлантириш стратегияси белгилаб берилган. Унга кўра, келгуси икки йилда вилоятда 64 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилади. Туризм лойиҳалари вилоятнинг барча туманларини қамраб олади.

Жаҳонда кузатилаётган корона-вирус таҳдиди туризм бозорига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Ўзбекистонда бунинг олдини олиш ва соҳани барқарор ривожлантириш учун зарур чоралар ишлаб чиқилди. Давлатнинг институционал кўмаги, ҳукуматлараро ҳамкорлик, логистика, туризм салоҳияти тарғиботи, ички туризм ойлиги ва ҳафталиклари, “Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!” лойиҳалари ана шундай чоралар сирасига киради. Шунингдек, минтақавий туризм лойиҳаси орқали коронавирус тарқалмаган қўшни давлатлардан сайёҳларни жалб қилиш назарда тутилган.

Мамлакатимиз бўйлаб амалга оширилаётган бундай тадбирлар натижасида 580 минг хорижий сайёҳни жалб қилиш ва туризм хизматлари экспортидан 94 миллион доллар даромад кўриш режалаштирилган. Шунингдек, ички туризм орқали 5 миллион юртдошимизнинг саёҳатларини ташкил этиш ва

қўшимча 840 миллиард сўм тушумга эришилади.

“Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” Давлат дастурига мувофиқ, вилоятда таълим йўналишида лойиҳалар амалга оширилади. Жумладан, Хоразм вилоятида Малайзиянинг “Binary” университети филиалини, Урганч давлат университетиди маданий меросни бошқариш, гид хамроҳлиги ва таржимонлик йўналишларини очиш режалаштирилган. Бунинг натижасида вилоятда ҳар йили туризм йўналишида 50 — 60 нафар малакали кадр тайёрланади.

Хоразм лазгиси ўтган йил декабрь ойида ЮНЕСКОнинг номоддий маданий мерос рўйхатига киритилган эди. Бугунги кунда Япония, АҚШ ва Европа давлатларида лазгига қизиқиш ортиб бормоқда. Ушбу санъатни ёшларга етказиш, хорижликларга маҳорат дарслари ўтиш учун Хоразмда лазги академияси ташкил этилади. Бу ҳам халқимизнинг номоддий маданий меросининг дунёга тарғиб этишга хизмат қилади.

Айни пайтда вилоятда 600 дан ортиқ балиқчилик фермер ҳўжаликлари мавжуд. Бу гастронимик туризмин ривожлантириш учун қулай имкониятдир. Ундан фойдаланиш мақсадида 71 қўлда халқаро стандартлар даражасида хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш орқали сайёҳлар оқимини кўпайтириш мўлжалланмоқда.

Афсуски, бизда ҳозир фақат балиқ ови ва гастронимик хизматлар кўрсатилади. Аслида Хоразмда биргина ушбу йўналишда ўндан ортиқ хизматларни йўлга қўйиш мумкин. Бу йўналишни ривожлантириш ва келгусида Хоразмни балиқчилик, яъни “Fishing culture” марказига айлантириш кўзда тутилган. Ҳозирги кунда Франция ва Россия телекомпаниялари билан Хоразм балиқчилигига бағишланган кўрсатувлар суратга олинмоқда.

Қишлоқларда янги иш ўринлари яратишда туризмнинг роли катта. Хоразм мисолида “Туристик маҳалла”, “Туристик қишлоқ” концепциялари ривожлантирилади. Бунинг учун тўртта қишлоқ танлаб олинди, уларда саксонга яқин меҳмон уйлари барпо этиш, ҳудудларнинг хунармандлиги, агро ва этнотуризмни кўрсатиш мўлжалланяпти.

Вилоятда тематик паркларни ривожлантириш бўйича ҳам лойиҳалар ишлаб чиқилган. Масалан, Хоразм заминидан кўплаб буюк ажодларимиз етишиб чиққан. Уларнинг мум ҳайкаллари ва фото зоналарини ташкил этиш мўлжалланмоқда. Улардан

дастлабки тўрттаси “Ичан қалъа”да ўрнатилади. Йил охиригача ўндан зиёд ажодларимизнинг ҳайкаллари ўрин олади.

Хива туманида “Анор”, “Анжир”, Янгиарик туманида “Меннонит қишлоғи” тематик парклари барпо этилади. Натижада кўплаб янги иш ўринлари яратилади, ҳудудларнинг туризм жозибадорлиги ортади.

Давлатимиз раҳбари туризм лойиҳалари билан танишар экан, Хивада хонлар шахарчаси барпо этиш, бу ерда Хоразм хонлари тарихини кўрсатиш, халқимиз ва хорижий сайёҳларга етказиш лозимлигини таъкидлади.

— **Бизники сингари буюк тарих Ер юзида жуда кам. Жалолиддин Мангубердидек буюк ажодларимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Боболаримиз тарихини ўргатадиган масканларни кўпайтирсак, ҳам даромад келади, ҳам халқимизга тарихимизни ўргатамиз, — деди Шавкат Мирзиёев.**

Президентимиз Хива шаҳридаги бирорта обида эътиборсиз қолмаслиги, амалга оширилаётган лойиҳалар натижасида дунёдаги гўзал туристик масканлардан бирига айланиш лозимлигини таъкидлади. Вилоятда туризмин ривожлантириш борасида мутасаддиларга аниқ топшириқлар берди.

Давлатимиз раҳбариШавкат Мирзиёев Хива шаҳридаги Президент мактабида яратилган шараит билан танишди.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда билимли ёшларни тарбиялаш учун мустаҳкам пойдевор қўйилди. Хусусан, ҳар бир ҳудудда Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар барпо этилаётгани мактаб таълимини жаҳон стандартлари даражасида ривожлантириш, барча соҳа учун иқтидорли кадрлар тайёрлаш, ёшларнинг салоҳиятини юксалтиришга имконият яратмоқда.

Президент мактабларининг дунёда муқобили йўқ. Ушбу ўқув даргоҳларида таълим жараёни ривожланган давлатлар таърибига асосида ишлаб чиқилган ўқув режаси ва дастурлари бўйича инглиз тилида олиб борилади.

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 20 февралдаги “Президент мактабларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, қисқа муддатда Тошкент, Хива, Наманган ва Нукус шаҳарларида дастлабки Президент

мактаблари қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Хива шаҳридаги Президент мактаби ҳам анъанавий мактаблардан фарқли равишда ихчам ва билим олиш учун қулай. 2019 йил сўнггида фойдаланишга топширилган билим маскани вилоят ёшлари учун улкан совға бўлди.

Мактаб 168 ўринли бўлиб, 2 қаватли ўқув биноси, 3 қаватли ётоқхона, ошхона, хорижлик ўқитувчилар учун меҳмонхонага эга. Синф хоналари энг замонавий ўқув курслари билан жиҳозланган. Спорт зали, сузиш ҳавзаси қурилишига ҳам инновацион ёндашилган. Мактаб кутубхонаси Кембриж, Оксфорд университетлари нашриётлари ҳамда Коллинз нашриётининг “STEAM” дастури бўйича дарслик ва ўқув қўлланмалари, ўзбек ва жаҳон адабиёти намуналари билан таъминланган. Дарсликларнинг электрон шакллари ҳам мавжуд, бу ўқувчиларга улардан янада самарали фойдаланиш имконини яратади.

2019/2020 ўқув йилида 5 — 10-синфларга жами 144 нафар ўқувчи танлов асосида қабул қилинган.

Президент мактабида дарслар Кембриж университети экспертлари билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган ўқув режаси ва дастурлари асосида олиб борилади. Мактабга 9 нафар хорижлик мутахассис ҳамда 21 нафар таърибали маҳаллий ўқитувчи жалб қилинган. Улар ҳам халқаро таълим талаблари асосида махсус имтиҳонлар орқали танлаб олинган.

Давлатимиз раҳбари виртуал кимё лабораторияси, мусиқа хонасида яратилган шараитлар билан танишди, ўқитувчи ва ўқувчилар билан суҳбатлашди.

— **Мана шундай масканларда кўплаб иқтидорли фарзандларимиз илм олишдек катта йўлга қадам қўйди. Бу уларнинг ҳаётидаги энг тўғри ва мақсадли танловдир. Келгусида турли соҳаларда улар эришаётган ютуқлар, юртимизга тегаётган фойдасини кўриш барчамиз учун бахт, — деди Шавкат Мирзиёев.**

Давлатимиз раҳбари шу ерда Жиззах, Самарқанд, Бухоро ва Қашқадарё вилоятларида ташкил этиладиган Президент мактабларида ўқув жараёنларини ташкил этиш борасидаги режалар билан ҳам танишди.

Президентимизнинг Хоразм вилоятига ташрифи давом этмоқда.

Ў.А.

Халқ сўзи

■ Анъана

Баҳор келиб, она табиат “томирига қон югурди”. Ўт-ўланлар, дарахт ва гуллар гўёки улкан уйғонишдан дарак бергандек гулламоқда, яшилланмоқда. Табиийки, табиатга уйғун равишда одамлар ҳам аллақачон ҳаракатни бошлаб юборишган...

НАВРЎЗИ ОЛАМ ОЛДИДАН ЮРТИМИЗ ЯНАДА ОБОД БЎЛАДИ



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси фармойишига асосан, шу йил 14-15 март кунлари юртимизда “Обод юрт” шиори остида умумхалқ хайрия ҳашари ўтказилади. Ватанимиз ободлигига ҳисса қўшишни кўнглига туккан ҳар бир юртдошимиз учун бу айни муддаодир.

Хашар кунлари барча ҳудудда дарахт ва гул кўчатлари ўтказилади, боғ ҳамда гулзорлар барпо этилади, маҳаллалар, таълим муассасалари, аҳоли турар-жойлари, кўп қаватли бинолар ва қабристонлар, болалар майдончаларида ободонлаштириш юмушлари бажарилади.

Шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож кексалар, пенсионерлар ва ногиронлиги бўлган шахслар, ёлғиз қариялар, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларнинг уй-жой шараитларини яхшилаш чоралари кўрилади.

Бўндан ташқари, республика миқёсида ёшлар иштирокида экологик акциялар ташкил этилиши ҳам кўзда тутилган.

Умуман, хашар кунлари юртимиз янада обод бўлади, пировардида баҳор даракчиси бўлган Наврўзи оламини ана шундай обод манзилларда кутиб оламиз.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ
(“Халқ сўзи”).

Германия Ўзбекистоннинг Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштиришга қаратилган ташаббусларини қўллаб-қувватламоқда

9-10 март кунлари Германиянинг Фридрих Эберт ва Конрад Аденауэр номидаги фондлари минтақавий идоралари раҳбарлари Термиз шахрига ташриф буюрди.

Ушбу ташриф Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақаларо тадқиқотлар институти ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан ташкилланган. Бундан мақсад германиялик мутахассисларни Афғонистон билан ҳамкорликни кенгайтириш ва чуқурлаштириш мақсадида Сурхондарё вилоятида замонавий инфратузилмаларни ташкил этиш ҳамда ривожлантириш бўйича олиб борилаётган кенг қўламли ишлар билан таништириш эди.

БИЗ ва ЖАҲОН

Меҳмонлар Термизда фаолият юритаётган Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим маркази, “Термиз карго” халқаро логистика маркази ҳамда “Термиз — Хайратон” халқаро назорат пункти фаолияти ва салоҳияти ҳақида тўлиқ маълумотларга эга бўлдилар. Шунингдек, Ўзбекистон ва Германия ҳамкорлигининг истиқболли йўналишлари бўйича атрофлик фикр алмашиди.

Ўзбекистон ва Германия Марказий Осиёдаги минтақавий хавфсизлик масалалари бўйича умумий қарашларга эга. Хусусан, ГФР Ўзбекистоннинг Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштиришга қаратилган ташаббусларини қўллаб-қувватлайди. Бинобарин, ҳар икки мамлакат ҳам Афғонистондаги вазиятни фақатгина музокаралар орқали ҳал қилиниши тарафдори бўлиб, ушбу давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Афғонистонга нисбатан янги ташқи сиёсати очилки, яхши қўшничилик, ўзаро ҳўрмат ва манфаатлар эътиборга олиниши тамойилларига асосланган бўлиб, икки томонлама алоқаларнинг сезиларли даражада кенгайишига хизмат қилди. Ушбу сиёсатнинг муҳим қисми сифатида расмий Тошкентнинг Афғонистонда тинчлиққа эришиш жараёни ва мамлакатнинг иқтисодий тикланишига кўмак берадиган кўп томонлама механизмларда фаол иштирок этиши ва Ўзбекистоннинг Кобулнинг минтақавий иқтисодий жараёнларга фаол жалб қилинишини қўллаб-қувватлашнинг айтиб ўтиш мумкин.

Шу билан бирга, Ўзбекистон ушбу йўналишда ўз сайъ-ҳаракатларини амалга оширишда Германия билан яқиндан ҳамкорлик

қилиб келмоқда. Жумладан, Афғонистондаги можаронини ҳал қилиш масалалари 2019 йилда Шавкат Мирзиёевнинг Германияда Федерал канцлер Ангела Меркел билан, шунингдек, мазкур мамлакат Президенти Франк-Вальтер Штайнмайер билан Тошкентда бўлиб ўтган юқори даражадаги музокара-ларда ҳар томонлама мувожама қилинди.

Таъкидлаш лозимки, шу йил 29 февраль кўни Доҳа шаҳрида АҚШ ва “Толибон” ҳаракати ўртасида тузилган тинчлик шартнома-сидан сўнг Германиянинг Афғонистон ва Покистон бўйича махсус вакили М. Потцел Афғонистонда тинчлик ўрнатишда Ўзбекистоннинг муҳим ўрин тутушини ҳамда расмий Берлин узоқ йиллар давомида Афғонистон бўйича расмий Тошкент билан ҳамкорлик қилиб келаётганини таъкидлади. М. Потцелнинг фикрига кўра, айнан Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан Афғонистонда тинчлик ўрнатишга қаратилган халқаро конференция ташкил этилди.

Афғонистон фуқароларининг таълим олиш масаласи мамлакатда хавфсизлик ва барқарорлиқни ўрнатишда муҳим ўрин тутуши инобатга олинган ҳолда, 2018 йил январь ойида Термиз давомида Афғонистон бўйича расмий Тошкент билан ҳамкорлик қилиб келаётганини таъкидлади. М. Потцелнинг фикрига кўра, айнан Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан Афғонистонда тинчлик ўрнатишга қаратилган халқаро конференция ташкил этилди.

да “Ўзбек тили ва адабиёти”, “Ақушерлик ва ҳамширалик иши”, “Куруқликдаги транспорт тизими ва улардан фойдаланиш” бўйича 172 талаба тахсил олмақда, улардан 46 нафарини қизлар ташкил этади.

Европа Иттифоқи мамлакатлари, хусусан, Германиянинг молиявий кўмаги асосида афғонистонлик мутахассислар, шу жумладан, тиббиёт соҳасидаги ходимларни таълим марказида ўқитиш масаласи ҳам кўриб чиқилмоқда. Германия ушбу мақсадлар учун 17,5 миллион евро ажратди.

Германия делегациясига ҳамроҳлик қилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Афғонистон бўйича махсус вакили Исматулла Иргашев Афғонистонда транспорт, энергетика, савдо, инвестиция ва таълим соҳасида йирик лойиҳаларни амалга оширишда минтақадаги ва дунёдаги етакчи давлатларнинг сайъ-ҳаракатларини бирлаштириш ушбу мамлакатда ўзоқ муддатли тинчлик ва барқарорликка қисқа муддатда

эришишнинг зарурий шарти эканлигини таъкидлаб ўтди. Бугунги кунда Ўзбекистон Афғонистонда хавфсизлик ва барқарор ривожланишни таъминлашда муҳим бўлган соҳаларда хорижий ҳамкорлар билан қўша лойиҳаларни амалга оширишда зарур имкониятларга эга.

— Термиз сафари давомида Афғонистон йўналишида икки томонлама ҳамкорлиқнинг истисқолларига алоҳида эътибор қаратилди, — дейди И. Иргашев. — Хусусан, Термиздаги таълим марказида афғон мутахассисларини тайёрлаш ва ўқитиш, “Термиз карго” халқаро логистика маркази имкони-ятларидан биргаликда фойдаланиш, “Термиз” эркин иқтисодий зонасида қўша кор-



— **ЭКСПЕРТ ФИКРИ:**
Президент Шавкат Мирзиёевнинг урушдан азият чеқкан Афғонистонни тинч йўл билан қайта тиклашда халқаро ҳамжамиятнинг сайъ-ҳаракатларини бирлаштириш борасидаги ташаббуслари муҳим аҳамиятга эга.

хоналарни ташкил этиш масалалари муҳокама қилинди.

Германиянинг Ф. Эберт ва К. Аденауэр фондларининг Марказий Осиёдаги ваколатхоналари раҳбарлари Кристоф Мор ва Ронни Хайне Ўзбекистоннинг Афғонистонга кўрсатаётган ижтимоий-иқтисодий кўмак бериш борасида олиб борилаётган кенг қўламли ишларини юқори баҳолаб, ушбу соҳада ўзаро ҳамкорлиқни ўрнатишдан манфаатдор эканликларини алоҳида таъкидлади.

К. Морнинг сўзларига кўра, бугунги кунда Ўзбекистон томони шарафати билан Афғонистонни бошқа бир ижобий томондан кўриш имкониятига муяссар бўлганлигини айтиб ўтди.

— Таълим марказидаги суҳбат чоғида биз афғон ёшлари билим олишга чанқоқлигини, ўз юртида тинчлик ва барқарор ривожланишни таъминлаш учун муносиб ҳисса қўшишга тайёрлигини кўрдик, — дейди Ф. Эберт фондининг Марказий Осиёдаги ваколатхонаси раҳбари Кристоф Мор. — Бу Афғонистоннинг тинч келажагига ўмид, ишонч бағишлайди ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ушбу урушдан азият чеқкан мамлакатни тинч йўл билан қайта тиклашда халқаро ҳамжамиятнинг сайъ-ҳаракатларини бирлаштириш борасидаги ташаббусларининг долзарблигини яна бир бор ифодалайди.

Бўндан ташқари, немис экспертларининг фикрига кўра, Ўзбекистоннинг Афғонистонда можаронини ҳал этишда афғон миллий иқтисодиётини тиклашга ҳар томонлама ёрдам бериш, тинч йўл билан миллий келишувга эришиш ва ушбу мамлакатни минтақавий иқтисодий алоқаларга жалб этиш бўйича принципиал ёндашуви мактовга лойик ва юқори баҳога муносиб бўлиб, дунёнинг турли минтақаларида юз бераётган низооларни ҳал этиш нуктаи назаридан катта илмий-амалий қизиқиш уйғотади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақаларо

тадқиқотлар институти директорининг биринчи ўринбосари Акром Незматов бугунги кунда Ўзбекистон ва Германия таҳлилий марказлари ўртасида самарали ҳамкорлик йўлга қўйилганини алоҳида таъкидлаб ўтди. Чўночи, доимий равишда минтақавий ва халқаро хавфсизликка бағишланган турли учрашувлар, давра суҳбатлари, семинарлар ва конференциялар ўтказилмоқда. Бунга тасдиқ сифатида шу йилнинг июнь ойида Тошкентда К. Аденауэр фонди билан биргаликда Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш ва ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларни амалга ошириш бўйича Афғонистон, Покистон ва Германия вакиллари иштирокида халқаро семинар ўтказилиши режалаштирилгани кайд этилди.

Умуман олганда, Термизга ташкил қилинган ташриф Афғонистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига ҳамда унинг Марказий Осиёдаги иқтисодий ва транспорт соҳасидаги интеграция жараёнларига қўшилишига қаратилган Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги қўл қиррали муносабатларни янада мустаҳкамлашга ҳисса қўшади.

Омонулла ФАЙЗИЕВ
(“Халқ сўзи”).



Вазирликлар фаолияти таҳлил қилинди

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси кўмиталарида, сиёсий партиялар фракцияларида долзарб масалаларга бағишланган тадбирлар бўлиб ўтди.

Хусусан, Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси йиғилишида депутатларнинг ҳудудлардаги ўрганишларидан келиб чиқиб, Халқ таълими ва Мактабгача таълим вазирликларининг таълим соҳасида олиб борилаётган ишлари юзасидан ахбороти эшитилди.

Кайд этилганидек, фарзандлари-миз, ёшларнинг тақдири, келажаги таълим сифатига бевосита боғлиқ. Лекин жойларда таълим муассасаларининг ишини талаб даражасида йўлга қўйишга салбий таъсир кўрсатётган омиллар ҳам йўқ эмас. Хусусан, мактабларда бинолар ҳолатини яхшилаш, кўшимча бино ва спорт майдончалари барпо этиш долзарб аҳамиятга эга.

Фракция аъзолари томонидан мактаб ва мактабгача таълим муассасаларини таъмирлаш, моддий-техник ҳолатини яхшилаш масаласига чуқур ёндашув зарурлиги таъкидланди. Шу билан бирга, ушбу икки соҳа ходимлари давр талабига яраша ўзгариши, билим, тажриба ва масъулятиш нуктаи назаридан янги даражага кўтарилиши кераклиги айтиб ўтилди.

Аҳоли саломатлиги муҳофазаси — доимий эътиборда

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти таҳлилига кўра, инсон саломатлигига таъсир этувчи омиллар орасида тиббий таъминот 10 фоизни, ирсий омиллар 15 фоизни, атроф-муҳитнинг ҳолати 20 фоизни ташкил этади. Энг муҳими, инсоннинг турмуш тарзи (жисмоний фаоллик, овқатланиш, зарарли одатлар) унинг саломатлигига 55 фоизгача таъсир кўрсатар экан.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш масалалари кўмитаси йиғилишида шу ҳақда атрофлича сўз юритилди. Шунингдек, Президентимиз томонидан жорий йил 11 март куни мамлакатимизда жамоат саломатлигини таъминлаш тизими самарадорлигини ошириш муҳокамасига бағишлаб ўтказилган йиғилишда белгиланган вазифалар соҳа мутасаддилари, депутатлар иштирокида атрофлича кўриб қилди.

— Аҳоли саломатлик кўрсаткичларини яхшилаш учун, энг аввало, бирламчи тизимда самарали иш ташкил қилиниши керак, — дейди Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш масалалари кўмитаси раиси ўринбосари Максуда Ворисова. — Бу ўринда касаллиқни даволаш эмас, балки унинг олдини олишга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Ушбу вазифа эса бир қанча йўналишларни ўз ичига олади. Яъни тўғри овқатланиш, атроф-муҳитнинг салбий таъсирини камайтириш, аҳолида жисмоний фаоллиқни яхшилаш, энг муҳими, ҳар бир фуқарода ўз саломатлиги ва оила аъзоларининг соғлиғига нисбатан масъулятиш ҳиссини ошириш ҳамда тарбиялаш муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам, депутатлар бирламчи тизимда, аиник-са, қишлоқларда бирламчи тиббий тизим фаолияти профилактика ишларига йўналтирилиши шарт, деган гоғни илгари сурмоқда.

Йиғилишда аҳоли ўртасида ҳар

Беморлар нефрология хизматидан розими?

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси фракцияси ҳамда Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш масалалари кўмитаси томонидан аҳолига нефрология ва гемодиализ ёрдамини кўрсатиш амалиёти ҳамда истиқболдаги вазифаларга бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

Мавзу жуда долзарб. Чунки бугунги кунда аҳоли ўртасида ўткир буйрак етишмовчилиги билан касаллан-ниш кўп кузатилмоқда. Мутахассислар қайд этганидек, республика бўйича дастурий гемодиализга муҳтож беморлар сони ҳар йили 20 фоиз ўсиб борапти.

Тадбирда Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикаси аҳолисига нефрология ва гемодиализ ёрдами кўрсатиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида ҳаётга татбиқ этилаётган ишларга алоҳида эътибор қаратилди.

Республика ихтисослаштирилган нефрология ва буйраклар трансплан-тацияси илмий-амалий тиббиёт мар-кази, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти масъуллари ушбу ҳужжатда белгиланган вазифалар-

Жойлардаги учрашувларда ота-она-лар, халқимизнинг кўплаб вакиллари таълим ва мактабгача таълим соҳала-ридаги ислохотларга катта умид билан қараётгани ҳақида фикр-мулоҳа-залар билдирилди.

Йиғилишда депутатлар давлат ҳамда нодавлат мактабгача таълим муассасалари фаолиятини ривожланти-ришга тўсиқ бўлаётган муаммолар, уларни бартараф этиш юзасидан ва-зирлик томонидан кўрилаётган чора-лар ҳақида батафсил маълумот сўра-ди. Давлат-хусусий шериклик битим-лари бўйича қурилиш-таъмирлаш иш-ларининг бажарилиши юзасидан аниқ масалалар ўртага қўйилди. Вазирлик-нинг болаларни мактабгача таълимга қамраб олиш даражасини ошириш борасидаги аниқ режалари хусусида саволларга жавоб олинди.

Албатта, ушбу йўналишдаги муам-моларни битта тадбир орқали ҳал этиш мушкул. Шу боис фракция аъзолари муҳокамалар чоғида соҳада амалга оширилаётган ишларни янада жадал-лаштириш, таълим сифатини юк-салптириш бўйича таклиф ва тавсия-лар билдиришди.

Элчилар ҳисоботлари эшитилди

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Халқаро муноса-батлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари кўмитасининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди.

Унда Европа мамлакатларидаги Ўзбекистон дипломатик ваколатхона-лари раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилди.

Президентимизнинг парламентга йўллаган Мурожаатномаси, шунингдек, юқори палатанинг шу йил 20 январда ўтказилган биринчи мажлисидаги нут-қидан келиб чиқадиган устувор вази-фаларга мувофик ташкил этилган ушбу мажлисда Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Содиқ Сафоев, Сенат аъзолари, вазирликлар ва идоралар раҳбарлари ҳамда вакил-лари, ОАВ ходимлари қатнашди.

Европа мамлакатларидаги Ўзбекис-тон дипломатик миссиялари раҳбарла-ри томонидан хорижий мамлакатлар билан икки томонлама муносабатлар-ни ривожлантириш бўйича “Йўл хари-

талари”ни ижро этиш юзасидан бажа-рилган ишлар, шу жумладан, экспорт-



Ҳосен ПАЙДОВ олинч сурат.

Юқори палатада экспертлар гуруҳлари иш бошлади

Олий Мажлис Сенатида Мудофаа ва хавф-сизлик масалалари кўмитаси ҳузуридаги экс-пертлар гуруҳи йиғилиши бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбарининг парламентга йўллаган Мурожаатномасида мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш, ижро ҳокимияти органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини қўчайтириш борасида муҳим вазифалар белгилаб берилди. Улардан келиб чиққан ҳолда,

Олий Мажлис Сенатида қонунларни муҳокама қилиш, назорат-таҳлил тадбирларини ўтказишни сифат жиҳатидан янги даражага олиб чиқиш мақсадида кўмиталар таркибида экспертлар гуруҳларини шакллантириш ва унинг аъзолари билан биргаликда тегишли йўналишларда ишлаш амалиёти жорий қилинмоқда.

Жумладан, Сенатнинг Мудофаа ва хавфсизлик масала-лари кўмитаси таркибида давлат ҳамда жамият ҳаётида фаол бўлган, соҳа мутахассисларидан иборат гуруҳ шакл-лантирилди. Эндиликда кўмита фаолиятга алоқадор режа ва топшириқлар, киритилган қонунлар ана шу эксперт гуруҳи билан биргаликда кўриб чиқилади.

Йиғилишда қайд этилишича, экспертлар гуруҳи зимма-сига қатор вазифалар юклатилган. Улар орасида мудофаа қурилиши ва мамлакат хавфсизлигини таъминлаш соҳаси-да ҳуқуқий асосларнинг самарадорлигини таҳлил қилишда илмий-услубий ҳамда эксперт-таҳлилий кўмак кўрсатиш, бу борадаги фаолиятни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш вазифалари муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, мудофаа қурилиши ва хавфсизлик соҳаси-даги ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш, қабул қилинган қонун ҳужжатларининг жойларда ижро этилишини таъминлаш бўйича таклиф ҳамда тавсиялар тайёрлаш ҳам гуруҳ вазифаларидан биридир.

Йиғилиш иштирокчилари эксперт гуруҳи ишининг ташкил этилиши, у билан ҳамкорлик Мудофаа ва хавф-сизлик масалалари кўмитаси фаолиятининг янада самарадорлигини оширишга хизмат қилишини алоҳида таъкидладилар.

Халқимизнинг чексиз ҳурмат ва эҳтироми рамзи

Президентимиз “Олий Даражали Дўстлик” орденини таъсис этиш тўғрисида”ги Қонунни имзолади.

Мазкур орден билан қардош халқлар ўртасида кўп асрлик дўстлик ва яқин қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлаш, жамият ҳамда халқларнинг бирдамлигини уйғунлаштириш, ҳар томонлама стратегик ҳамкорлиқни ривожлантиришдаги алоҳида хизматлари учун Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар тақдирланиши мумкин.

Бу давлатимиз раҳбари илгари сураётган бағрикенглик, очиклик, хорижий мамлакатлар ҳамда ҳамкорлар билан ўзаро дўстлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга қаратилган сиёсатнинг узвий давоми сифатида кенг жамоатчилик томонидан алоҳида эътироф этилмоқда.

Муносабат

Акмал САИДОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари:

— Ушбу Қонун Президентимиз томонидан имзоланган, нихоятда муҳим аҳамиятга эга бўлган навбат-даги тарихий ҳужжатдир, десак, му-болага эмас. Эътиборлиси, сўнгги йилларда хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар вакиллари-ни тақдирлаш аъёнага тусини олди.

Утган йили давлатимиз раҳбари Ўзбекистон ва Бирлашган Миллат-лар Ташкилоти ўртасидаги кўп қир-рали ҳамкорлиқни ривожлантириш-

Алишер ҲАМРОЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Мазкур орден билан фуқаролар илм-фан, маърифат, маданият, санъат ва адабиёт, таълим, соғлиқни сақлаш ҳамда спорт соҳалари, шунингдек, экологик масалаларда, инсон капиталини ривожланти-риш борасидаги ҳамда бошқа йўналишлардаги катта ютуқлари учун халқнинг чексиз муҳаббати, эътирофи сифатида тақдирланади.

Дунёга юз тутишимизнинг асосий белгиларидан бири

— бу Ўзбекистоннинг хорижда дўстлари кўпайиб бо-раётгани билан бевосита боғлиқ, Мазкур давлатлар тимсолида ёки бошқа мамлакатларда яшаётган сало-ҳиятли инсонлар тимсолида намоён бўлмоқда.

Халқимизнинг ҳурматига сазовор бўлган шахслар бундай орден билан тақдирлаб борилса, уларнинг шижоати янада ошади ва дўстларимиз сони ҳам кўпаяди.

ПАРЛАМЕНТ ҲАЁТИ3

ни кенгайтириш, инвестицияларни жалб қилиш ва республика ҳудудларига туристлар оқимини кўпайтиришга қаратилган аниқ лойиҳаларни амалга ошириш тўғрисидаги ҳисоботлари тақдим этилди.

Очиқ мулоқотда дипломатик миссия-ларнинг барча масалалари ва устувор вазифалари кўриб чиқилди, уларнинг фаолиятига танқидий баҳо берилди ҳамда хорижда республиканинг иқти-содий манфаатларини тарғиб қилиш-даги тизимли камчиликлар кўрсатиб ўтилди. Мамлакат ҳудудларида айрим инвестиция лойиҳаларини рўёбга чиқаришдаги муаммоларга алоҳида эътибор қаратилди.

Мажлисда Ўзбекистоннинг қатор эл-чихоналари фаолияти кучайтирилганли-ги қайд этилди. Шу билан бирга, баъ-зи дипломатик миссиялар раҳбарлари-нинг ишида амалий натижалар йўқли-ги таъкидланди.

Дипломатик ваколатхоналар раҳбар-ларига аниқ тавсиялар берилиб, улар олдига ўз фаолияти натижадорлигини ошириш бўйича вазифалар қўйилди.

Яқунда кўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

Маҳаллий Кенгашлар депутатлари ўқиши давом этмоқда

машгулотлар ўтказиш кўзда тутилган. Жумладан, кеча бўлиб ўтган семинар Ўзбекистон Респуб-ликаси Президентининг Олий Мажлисга йўллаган Мурожа-атномасида белгилаб берил-ган устувор вазифалар ижро-сига, уларни амалга ошириш-да вакиллик органларининг ўрнига бағишланди.

Семинарлар доирасида Олий Мажлис Сенати раҳба-рияти, кўмиталар раислари ҳамда ўринбосарлари, Давлат

бошқаруви академияси профессор-ўқитувчилари томонидан маъруза ва ама-лий машгулотлар ўтказилади.

Иштирокчилар учун “Тайм менежмент: вақтдан умумли фойдаланиш”, “Мулоқот са-марадорлиги”, “Қарорлар қабул қилиш” мавзуларида махсус тренинглар ҳам ўтказиш назарда тутилган.

Ўқувларда Олий Мажлис Сенати Раиси Т. Нарбаева ўз маърузаси билан иштирок этди.

лим ва малакасини ошириш юзасидан тегиш-ли тавсиялар берилди. Шунингдек, ўқувчилар билан “тенгдош — тенгдошга” тамойили асосида ишларни ташкил этиш, тиббий кўрик давомида болаларда аниқланган касалликлар-ни бартараф этиш ва уларни давомили соғломлаштириш ишларини олиб бориш бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Муниссон КАРИМОВА

(“Халқ сўзи”).

Султонмурод ОЛИМОВ, филология фанлари номзоди: — Бугунги кунда давлатимиз сиёсатида яқин ва узоқ қўшнилар, дунёнинг барча мамлакати ҳамда халқлари билан ўзаро алоқаларни ривож-лантириш, ҳамкорлик, дўстлик ришталарини мустаҳкамлаш сиёсати юритилаяпти. Ўзбекистон дунёга юз очганидан сўнг жуда кўп тараққий этган давлатлар биз билан дўст ва ҳамкор бўлишни хоҳлашмоқда. Ўзбекистонни дунё дўст билиб турган пайтда, биз бундай дўстларнинг қадрига етишимиз ҳам керак, албатта.

Ҳар қандай дўстлик қадр топиши лозим. Шунинг учун, “Олий Даражали Дўстлик” ордени-нинг таъсис этилиши амалда ана шу дўстлиқни қадрлашга, шунингдек, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги мавқеини янада юксалтиришга хизмат қилади.

Равшан МАҲМУДОВ, Гулистон давлат университети профессори: — Ўртабосимиз раҳнамолигида мамлакатимиз-да улкан ислохотлар амалга оширилаётир. Шу боис Ўзбекистонга қизиқиш ортмоқда ва юрти-миз тараққиётига, аҳоли турмуш шароитини ях-шилашга чел элдаги кўплаб ишбилармонлар ўз ҳиссаларини қўшишга интилмоқда. Бу, албатта, қувонарли.

Янги таъсис этилган нуфузли орден ҳам халқ-лар дўстлигини янада мустаҳкамлаш, илм ҳамда маърифатни умумжаҳон миқёсида ёйиш, миллий қадрият ва аъёналаримизнинг кенг тарғиб қили-нишида алоҳида ўрин тутайди, деб ўйлаймиз.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан таъсис этилган ушбу “Олий Даражали Дўстлик” ордени жонажон Ватанимиз тараққиёти йўлида фидоко-рона хизмат қилётган, унинг жадвал суръатлар-да ривожланишига қамарбаста бўлаётган инсон-лар учун халқимиз ва давлатимизнинг муносиб эътирофи, чексиз эҳтироми намунасиدير.

«Халқ сўзи».

